



2006 йил 31 августдан
чоп этила бошлаган

Ижтимоий-сиёсий газета

ЖАМИЯТ

№ 15 (836)
2023 йил
6 апрель,
Пайшанба



www.bong.uz

@jamiyatgzt@mail.ru



t.me/bonguz1

Огоҳлик

БОЛАЎҒРИЛАРИ

Ёхуд ёлғон ахборотни тарқатишдан мақсад нима?



Фарзанд наслимиз давомчиси, инсонга берилган бебаҳо неъматлардан биридир. Улар борки, ҳаёт гўзал, умримиз мунаввар. Ўйлаб кўринг, ишдан чарчаб қайтганингизда фарзандингиз югуриб бағрингизга отилиши билан бор дардингиз, чарчогингиз чиқиб кетади. Фарзандингизни кўрганингиз сари дилингиз яйрайди. Аммо болангиз дом дараксиз йўқолиб қолса, ўзингизни кўярга жой тополмай қоласиз. Ҳатто ақлдан ҳам озиб қолишингиз ҳам ҳеч гап эмас.

Яқинда ижтимоий тармоқларда бола ўғрилари ҳақидаги хабарлар тарқалиб, одамларни, айниса ота-оналарни саросимага солиб қўйди. Бундай хабарларни эшитган борки, фарзандларини кўчага чиқариш у ёқда турсин, ҳатто мактаб ёки боғчага ёлғиз юборишга чўчиб қолишди. Ҳар куни ижтимоий тармоқларда

«бола ўғрилари пайдо бўлди. Фарзандингизга кўз-қулоқ бўлинг» деган хабарларни ўқиб фарзандингизни мактаб ёки боғчага ўзларини бемалол юбороласизми? Йўқ, албатта. Шахсан мен бундай ваҳимали хабарлардан сўнг укаларимни ўзим мактаб ёки боғчага олиб бориб, олиб қайтадиган бўлдим. Уларга бирор қор ҳол бўлса,

айтиб бўладими. Ахир ҳеч нарса собабсиз бўлмайди.

Аввалига Тошкент шаҳрининг Яшнабод туманидаги 151-умумтаълим мактаби ҳудудидан номаълум шахс ўқувчини мактаб ҳудудидан судраб олиб кетмоқчи бўлди. «Хурматли ота-оналар, болаларни мактабга кетишларида ва қайтишларида назоратни кучайтиринг! Имкони борича кўз-қулоқ бўлинг!» деган видеолар тарқалди.

Ушбу видеолар тарқалгани-

га ҳали кўп бўлмасдан ижтимоий тармоқларда «Ўзбекистонда бола ўғирлашга уриниш ҳолатлари кўпайди» деган сарлавҳа билан нотаниш аёл кичкина болалардан уйига сумка кўтаришга ёрдам беришларини сўраб, қоронғу жойга олиб бориб, ўғирлаб кетишга уринганликлари ҳақидаги иккинчи видео лавҳа эълон қилинди.

(Давоми 4-бетда)

ИНСОНИАДА



Муқаддас Рамазон ойида уйда кўпроқ бўлганим сабабли вақтни китоб ўқиш билан ўтказишга аҳд қилдим. Мутолаани айнан адиб Хайриддин Султоновнинг «Навоий-30» асаридан бошладим. Китобни деярли бир кунда бир ўтиришда ўқиб тугатдим. Аввалроқ ўқимаганимга тўғриси афсусландим.

Муаллиф сўзбоши ўрнида Тошкентнинг қоқ марказидаги Алишер Навоий кўчасини, унинг ўртасидаги «Навоий-30»ни тасвирлайди. Бу азамат бинони «XX аср совет архитектурасининг мукамал тимсоли» сифатида қайд этади. Ўзим тарихни севган, Тошкентдаги қадимий ва мухташам биноларга кўнгил қўйган инсон сифатида шуни айтаманки, «бир пайтлар ҳаёт денгиздай қайнаб иждодий жараёнлар пўртана урган» «П» шаклидаги бинога «шунчаки оддий бир иморат эмаслигини аввал-бошдан қайд этиб қўймоғимиз жоиз», дея берилган таърифдан хурсанд бўлдим. Шу ўринда, бино ўйланмасдан ҳозирги рангига бўялишидан аввал кулранг бўлганлигини эслатиб ўтаман.

Яна бир нарса кишини хурсанд қилди. Китобда «илгариги эски жарликлар ўрнида «Ярмарка» деб ном қозонган паст-баланд, омонат фанер дўкончалар мунчоқдек тизилиб турганига кўзингиз тушади»,

дея берилган таъриф беихтиёр сизни ёшликка қайтаради. Ҳозирги ёш авлодга эслатиб ўтиш керакки, у вақтларда кийим-кечак ҳам, озиқ-овқат ҳам ҳозиргидек сероб эмасди. Ўзингизга ёққан либосни, пойафзални, ёки бошқа истеъмол молларини топиш учун Эски шаҳардаги «Тоҳир ва Зухра» болалар дунёсидан чиқиб «ГУМ» (Бош универсал магазин), ЦУМ (Марказий универсал магазин)гача пиёда келишга, бунда албатта «Ярмарка»дан ўтишга мажбур бўлардингиз. Шу ўринда ҳозирги Симпозиумлар саройи атрофида ҳам ярмаркалар бўлганини айтиб ўтиш лозим.

Китоб сўзбошида муаллиф «ушбу битиклар қайси жанрга ётишини, очиғи, ўзим ҳам билмай қолдим», дея «жанри йўқ китоб» деб аташга журъат ҳис қилдим» деб таъкидлайди. Китобни ўқиб бўлгач, адабиётда инсонияда деган янги жанр пайдо бўлганига амин бўлдим.

Гапни узоқдан бошлайман. Би-

ламиз, Троя подшоҳлигининг пойтахти бўлмиш Илиона шаҳрида бўлиб ўтган жанглари ва унда иштирок этган қаҳрамонларга бағишланган Ҳомер қаламига мансуб «Илиада» асари бор. Бу китобдаги «иада» кўшимчаси «бағишлов» деган маънони англатса керак. «Навоий-30»да машҳур ва номашҳур инсонлар ҳаёти тилга олингани, уларнинг характери муаллиф нуқтаи назаридан ёритилгани туфайли ҳам бу жанрни «инсонияда» деб аташ керак, деган таклифни бермоқчиман.

Тўғриси, китобни ўқиб, жуда таъсирландим. Керак жойида унсиз йиғлаб ҳам олдим. Китоб ёшларга мотивация беришига ишонаман. Китобда муаллиф ўзини мақташга уринмаган. Бор гапни ёзган. Биламиз, кўпчилик адиблар ўз ҳаётлари ҳақида бор ҳақиқатни ёзгани келмайди. Аммо, «Навоий-30»да бундай эмас. Шу ўринда «Тилаб олган ёмғир» ҳақида тўхталмоқчиман. «Тўй-томоша, кино-концерт каби

«тарбияни бузадиган» нарсалар биздан галактика қадар узоқ эди», дея ёзар экан муаллиф кинотеатрда ҳинд киноларни кўрмаганини, «телевизор деган матоҳ ҳам хонадонимизда маҳаллада ҳаммадан кейин – етмишинчи йилларнинг бошида аранг пайдо бўлган эди», дея таъкидлайди. «Қачон мен ҳам тўйиб-тўйиб кино кўраркинман, меҳрим қониб қўшиқ эшитаркинман, деб ҳасрат билан ўйлардим баъзан», дейилади «Тилаб олинган ёмғир»да. Орадан йиллар ўтиб маъсул раҳбар сифатида юзлаб кино-спектакллар кўрганини, ўзи ҳам пьеса ва сценарийлар ёзганини, сон-саноксиз танлов ва репетицияларда, оммавий тадбирларда, байрам концертларида ўзи ўн-ийгирма марта лаб эшитмаган ўзбек санъатида оид бирорта ҳам кўшиқ, кўрмаган кино ёки спектакль қолмаганини айтади. «Тилаб олинган ёмғирнинг нима эканини шунда тушундим», дея хулоса қилинади.

(Давоми 5-бетда)



ЯНГИ БУЊЁДКОР ҚОМУСИМИЗДА ИНСОН ҚАДРИ

Ҳаммамизга маълумки, бевосита халқимиз, жамоатчилигимиз, депутатларимиз тақлифлари асосида Янгиланаётган Конституциямиз лойиҳаси устида қизгин иш олиб борилди.

Изчиллик билан тайёрланган Конституциявий қонун лойиҳаси билан амалдаги Конституциямизга 27 та янги модда киритилмоқда ва моддалар сони 128 тадан 155 тага ошмоқда, Конституциямизнинг амалдаги 275 та нормаси 434 тага кўпаймоқда, яъни амалдаги Конституциямиз матни 65 фоизга янгиланмоқда.

Мазкур Конституциявий қонун лойиҳаси юзасидан умумхалқ муҳокамаси даврида вазирлик, идора ва ташкилотларда, республика бўйича барча туман ва шаҳарларда, шунингдек, Олий Мажлис депутатлари ва сенаторлар, сиёсий партиялар, маҳаллий Кенгаш депутатларининг сайловчилар билан учрашувларида жами 20 мингга яқин муҳокама тадбирлари ташкил қилинган. Бинобарин, Жамоат хавфсизлиги университети ҳарбий хизматчи ва профессор-ўқитувчилари томонидан ҳам маҳалла, мактаб, турли ташкилот ва идораларда, шунингдек, оммавий ахборот воситаларида халққа янгиланаётган қомусимизнинг мазмун-моҳиятини тушунтириш ва қўйлаётган референдумларга тайёрлаш бўйича изчил ишлар олиб берилмоқда.

Умумхалқ муҳокамасига ҳавола этилаётган янги конституциямизда тарғиб этилаётган прогрессив ғоялар таҳлили амалда шуни кўрсатмоқдаки, инсон ҳуқуқларини таъминлаш, фуқароларнинг шаъни ва кадр-қимматини ҳимоя қилиш, ижтимоий ҳимояни кучайтириш, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, таълим ва илм-фан соҳаларини тараққий эттириш, хусусий мулк дахлсизлигини янада мустаҳкамлаш, фуқаролик жамияти институтларининг ролини ошириш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш билан боғлиқ масалаларга устувор аҳамият қаратилган.

Муҳокамаларда кенг жамоатчилигимиз, олимлар, мутахассислар, халқаро ва хорижий экспертлар, сиёсий доира вакиллари Конституциявий қонун лойиҳасининг, авваламбор, илгари амал қилиб келган “давлат – жамият – инсон” тамойилини “инсон – жамият – давлат” деб ўзгартирганини, яъни, энг аввало, инсон манфаатини ҳар нарсадан устун қўйганини алоҳида эътироф этиш зарур.

Жумладан:

□ инсоннинг давлат органлари билан ўзаро муносабатларда юзга келадиган қонунчиликдаги ноаниқ-

ликлар инсон фойдасига талқин қилиниши белгиланмоқда;

□ қонунда назарда тутилган пенсиялар, нафақалар ва бошқа ижтимоий ёрдамнинг миқдори расман белгиланган энг кам истеъмол харажатларидан кам бўлиши мумкин эмаслиги аниқ кўрсатилмоқда;

□ фуқаролар тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажмини давлат ҳисобидан бепул олишга ҳақли экани қатъий ўрнатилмоқда;

□ давлат бепул умумий ўрта таълим ва бошланғич профессионал таълимни, шунингдек, танлов асосида давлат таълим ташкилотларида давлат гранти асосида бепул олий маълумот олиш ҳуқуқини мустаҳкамламоқда;

□ ҳар ким уй-жой дахлсизлиги ҳуқуқига эгаллиги қатъий ўрнатилмоқда;

□ “шахснинг судланганлиги ва бундан келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатлар унинг қариндошлари ҳуқуқларини чеклаш учун асос бўлмаслиги” Конституция билан белгиланмоқда;

□ монопол фаолиятни чеклаш назарда тутилмоқда;

□ тадбиркорлар қонунчилици мувофиқ ҳар қандай фаолиятни амалга оширишга ҳақли эканликлари кафолатланмоқда;

□ оддий фуқароларга, уларнинг сони юз минг нафардан кам бўлмаса, қонунчиликка оид тақлифларини Олий Мажлис Қонунчилик палатасига қонунчилик ташаббуси тартибида киритиш ҳуқуқи берилмоқда.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, бунёдкорликка йўналтирилган янги қомусимизнинг аксарият нормалари принципиал жиҳатдан янгиланаётганлиги, ҳам мазмунан, ҳам шаклан мутлақо янги моҳият касб этаётганини эътиборга олиб, Конституциянинг таркибий тuzилиши қайта кўриб чиқилганига амин бўлмоқдамиз. Янгиланаётган Конституциямиз мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ислохотлар марказига аввало инсон қадрини қўяди ҳамда жамиятни янада тараққий эттиришга, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини тўлақонли таъминлашга хизмат қилади, деб ҳисоблаймиз. Киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчаларнинг сиёсий-ҳуқуқий аҳамияти, кўлами ва ҳажмидан келиб чиқиб, ушбу лойиҳани Янги Конституция деб бемалол айтишимиз мумкин. Шундай экан, халқимизнинг келажакдаги фаровон ҳаётини, порлоқ истиқболлини таъминлаш, жонажон диёригимизда яшаётган ҳар бир инсоннинг қадрини, қимматини, шаънини ҳимоялаш учун мазкур инсонпарвар Конституциявий қонун лойиҳасини фуқароларнинг умумхалқ овозига, яъни референдумга қўйилиши ватанимиз ва халқимиз ҳаётидаги муҳим тарихий воқеа сифатида аҳамиятлидир.

**Наргиза ШИРИНОВА,
Нилуфар ШИРИНОВА,
Жамоат хавфсизлиги
университети доцентлари**

ФАОЛЛИК — ФАРОВОН ҲАЁТ КАФОЛАТИ

Хабарингиз бор, мамлакатимиз ҳаётидаги муҳим ижтимоий-сиёсий воқеа — Референдум 30 апрел, яшанба кунига белгиланди. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Конституцияси тўғрисидаги қонунни қабул қилди. Қонун умумхалқ референдумида овозга қўйилади.

Референдум бюллетенида: “Сиз Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси конституциявий қонунини қабул қиласизми?” деб ёзилади. Референдумда мамлакат ҳаёти учун энг муҳим бўлган масалалар юзасидан қонун ёки қарор қабул қилиш масаласи умумхалқ овозига, яъни фуқаролар овоз беришлари учун қўйилади. Бу жараёнда фуқаролар эркин ва ихтиёрий равишда ўз муносабатини билдиради.

Референдум бюллетенига референдумга қўйилаётган масаланинг матни ёки саволномаси киритилади. Жумладан, “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонуни лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси референдумига қўйилапти. Шунинг учун референдум бюлле-

тенида “Сиз “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонуни лойиҳасини қабул қиласизми?” деган савол қўйилади.

Овоз берувчи “ха” ёки “йўқ” ёхуд “рози” ёки “қарши” деб кўрсатилади. Конституциявий қонун лойиҳаси юзасидан ўтказиладиган референдумда фуқароларимиз “ха” жавобини белгиладиган бўлса ва бу 50 фоиздан ортиқ овозни ташкил еца, Конституциявий қонун лойиҳаси қабул қилинади ҳамда мамлакатимизнинг янги таҳрирдаги Конституцияси амалга киритилади.

**Умид ШАВКАТОВ,
Бектемир тумани Адлия бўлими
юримдик хизмат кўрсатиш маркази
бошлиғи**

Низомий номидаги тошкент давлат педагогика университетининг Хорижий тиллар факултетида “Инсон қадри улуғланган юрт” деб номланган тадбир бўлиб ўтди. Унда янгинаётган конституциямизнинг аҳамияти, инсон қадрини улуғловчи омиллар хусусида сўз юритилди. Унда Ўзбекистон Либерал демократик партияси аппарат раҳбари М.Ҳошимов ва депутат И. Икромов иштирокида “Ахборот ва мураббийлик соати” дарсларида тарғибот тадбири ўтказилди.

Тадбир давомида Бош қомусимизга киритилаётган ўзгартишларнинг мазмун-моҳияти, таълим ривожига доир муҳим жиҳатлар хусусида маълумотлар берилди. Асосий Қонунимиз мамлакатимизда янги ҳаёт, янги жамият барпо этиш йўлида қўлга киритилаётган барча ютуқ ва марраларимизнинг ҳуқуқий пойдевори — келажакимизнинг ишончли кафолати эканлиги таъкидланиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси мамлакатимизнинг янги таҳрирдаги “Конституцияси тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинганлиги, ушбу Қонун умумхалқ референдумида овозга қўйилиши ва Референдум жорий йилнинг 30 апрель кунига белгиланганлиги айтиб ўтилди.

**Зоҳида САЙДОЛИМОВА,
Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика
университетининг Хорижий тиллар факультети тюрори**

БИРОВНИНГ ҲАҚИ

ёхуд тўрт ойлик корейлик чақалоқнинг
самолётда йўловчиларга «ёзган хати»

Ҳаловат ўғрилари

Тунги соат ўн икки. Қаердадир мушаклар отилди. Кейин ортидан мусика янгради, хофиз «онажонинг рози қил» дея қуйлади, қий-чув, кулгу хурсандчилик. Бу кейинги пайтларда авжига чиққан, урфга кирган оналарни фарзандлари туғилган куни билан тунги ўн иккида табриклаш одати. Аммо онасини шундай шовқин-сурон билан табриклаган одам атрофдагиларга қанчалик малол келаётганини билармикан? Билганда-чи, у шунчалар худбинки, ўзининг билганидан қолмайди, гўёки шу билан фарзандлик бурчини қойиллатиб бажариб қўйди...

Биз бировнинг ҳақини еб кетиш деганда моддиётнигина тушунамиз – қарз олиб бермаслик, тарозидан уриб қолиш, омонатни қайтармаслик... Аммо яна шундай ҳақлар борки, буларни ҳам бемалол бировнинг ҳақига хиёнат десак бўлади. Яъни ярим кечаси бақириб-чақириб онасини табриклаган ўғил қўшнининг уйку ҳақига хиёнат қилди.

Бундай мисоллар жуда кўп. Айтайлик, Эшмат қассоб маҳалланинг бошидаги зовур олдидан қушхона очди – зовурга чиқиндиларни оқишиш учун. Унинг қушхонасига ярим кечасими, кундузими оғир юкли машиналар шарақлаб ўтиб-қайтиб туради. Шу қадар машиналар кўп ўтиб-қайтганидан йўлнинг абгори чиқиб кетган. Балки Эшмат молни ҳалоллаб сўяётгандир, балки тарозидан уриб қолмас, лекин барибир у бировнинг, яна кўпчиликнинг ҳақига хиёнат қилапти. Қандай дейсизми, аввало сувни ифлослантарапти, бу табиатнинг ҳақи. Кейин эса машиналарнинг шовқин солиб ўтиши оқибатида қўшнилари тинчини бузаяпти. Йўлнинг ўйдим-чуқур бўлиб кетганини гапирадиган одам йўқ. Йўлни қўшнилари таъмирлашсада бир йилга бормай асфалти тўзиб кетади. Демак, Эшмат ўзининг тирикчилигини ўйлаб йўлга кетган маблағни кўкка совурапти – кўпчиликнинг ҳақига хиёнат қилапти.

Эшмат йўл қуриш, тузатиш савоб, деган мақолни эшитмаган ҳам бўлса керак. Балки бу тадбиркор асфалтни тўзитапти, кексалар, болалар юрадиган йўлнинг чангини чиқариб уларни норози қилапти, гуноҳга ботаяпти.

«Кўп йиғласам
мени кечиринг»

Яқинда Японияда яшайдиган ҳамюртимиз Баҳодир Искандаров

суратли пост жойлади. Унда бир япониялик одам велосипеднинг саватчасига «билмасдан велосипеднинг кўнғироғига урилиб синдириб қўйдим», деб пул ташлаб кетган. Бу ерда иккита эътибор бергулик жиҳат: японнинг велосипед эгасидан узр сўраб хат ёзгани ва пул ташлаб кетгани, қолаверса, пулга ҳеч ким тегинмаётгани... Демак, япониялик велосипед эгасининг ҳақидан кўрқди.

Бундан олдинроқ Баҳодир Искандаров ҳамюртларимизнинг Японияда писта пўчоғини ерга ташлаб ўша халқнинг кўз ғазабига учраганини ёзганди.

Биз учун эса кўча-кўйга чиқинди ташлаш оддий ҳол. Аммо бу билан биз яна, аввало, табиатнинг ҳақига хиёнат қилаёмиз, кейин эса фаррошнинг меҳнатини оёқ ости қилиш орқали унинг меҳнатини қадрсизлаётмиз ва вақтини ўғирлаётмиз. Вақт ўғирлаш, бошқаларнинг меҳнатини топташ ҳам бировнинг ҳақига хиёнат қилиш эмасми? Ўша ерда яшайдиган яна бир танишимнинг айтишича, ошхонага кириб бемалол телефон ёки ҳамёнингизни жойни банд қилиш учун ташлаб кетишингиз мумкин, агар қайтиб келмасангиз ҳам ҳеч ким тегинмас экан. Бу одат эса ишонч деган ҳаққа хиёнат қилмаслик дегани.

2019 йил дунё нашрларида бир воқеа одамларнинг қалбидан қаттиқ жой олганди. Буларнинг барчаси Сеулдан Сан-Францискога йўл олган самолёт бортида содир бўлганди. Парвоз бошланганидан сўнг, ёш она барча йўловчиларга кичик халта таркатади, улар ичида шимадиган ширинликлар, кулоқ тикинлари ва халта бор эди.

Эслатмада шундай ёзилган эди: «Салом, менинг исми Чону. Мен тўрт ойликман. Бугун мен онам ва бувим билан АҚШга – амакимни кига учиб кетяпман. Мен бироз асабийлашапман ва бироз қўрқаяпман, чунки бу менинг ҳаётимдаги биринчи парвоз. Балки йиғларман ёки кўп безовта бўламан. Мен имкон қадар жим кетишга ҳаракат қиламан, лекин ваъда беролмайман. Шунинг учун мени кечиринг. Онам сиз учун турли хил нарсалардан кичик халтачалар тайёрлади. Уларда конфетлар ва кулоқ тикинлари бор. Агар жуда шовқин қилсам – йиғласам, улардан фойдаланинг. Яхши парвоз қилинг ва раҳмат!»

Корейлик аёлнинг бу топилмаси йўловчиларнинг қалбини алланечук қилиб юборди – жуда таъсирланганди. Кейинчалик улар бутун парвоз

давомида бола ҳеч қандай ноқулайлик туғдирмаганини ва қўнғунча ухлаганини айтишди. Йўловчилар орасида KGO-TV телеканали журналисти Дэйв Корона ушбу суратни ўзининг Facebook саҳифасига қўйди.

Корейлик аёлнинг бу тутими менга самолётдаги воқеани эслатди. 3 соатлик йўлда бир чақалоқ тўхтовсиз йиғлади. Йўловчилар безовта бўлишди, сабаби боланинг тўхтовсиз йиғлагани кўпчиликнинг раҳмини ҳам келтирди. Ўшанда билган эдим бола йиғласа барча одамнинг тинчи бузилишини.

Корейлик она нима учун шундай қилди? У бировларнинг ҳақидан кўрқди, ҳаловатини, тинчини ўғирлашдан ҳижолат бўлди. Бошқалардек нима қилай, чақалоқ бўлгандан кейин самолётда кулоқлари оғриб йиғлайди-да деб ҳеч кимни жеркирмади. Балки гўдакнинг номидан хат ёзиб ҳижолатлигини билдирди ва одамлар қўнғилини юмшатди. Аёл одамларнинг хотиржамлик ҳақидан кўрқди.

Қуёш, сув, табиат ҳақи

Кўпинча тирбандликларда баъзи ҳайдовчилар уч қатор машиналар навбат кутиб турса қарама-қарши томондан машинага урилиб кетишидан ҳам кўрқмай тўртинчи йўлакни яратиб суқилиб кириб олади. Ваҳоланки, ҳамма навбатда турибди, лекин тўртинчи йўлакни яратган ҳайдовчи қолганларнинг навбатини баттар узоқлаштириб орага қиради. Ачинарлиси, заррача ҳижолат бўлмайди, қизармайди, бошқаларнинг навбатини чўздим, ноқулайлик туғдирдим демайди. Булар ҳам аслида бировнинг ҳақига кўз олайтираяпти, вақтини ўғирлаяпти, асабини бузаяпти. Қарама-қарши томондан келадиган машиналар учун хавф туғдириб унинг ҳам ҳаловатини ўғирлаяпти.

Худди шундай ҳолат туфайли қарама-қаршидан келадиган бир ҳайдовчи бошқа бир ҳайдовчининг умрини ўғирлаш билан бирга унинг болаларини ҳақсиз қолдирди. Яъни оила-аъзоларини ҳам яқинидан ҳам боқувчисидан айирди. Бировнинг ҳақини ўғирлади – умрига зомин бўлди.

Бировнинг ҳақи бу фақат пул ёки аллақандай нарсалар эмас. Айтайлик, хорихда қора меҳнат қилиб юрган жигарингизнинг пулини дабдабали тўйларга, ҳашаматга сарфлаб юбордингиз. Сиз яна ўз жигарингизнинг ҳақига хиёнат қилаёмиз. Соғлиғи совурилиши эвазига келган

пулни осонликча ишлатиш орқали яқиниғизнинг соғлиқ ҳақига хиёнат қилаёмиз.

Ҳар бир қадамимизда бировнинг ҳақи бор. Кимнидир қуттириб қўйдингиз. Сиз унинг вақтини ўғирладдингиз, оладиган даромади балки сиз туфайли камайгандир. Болалар майдончаси қурилиши керак бўлган жойга тирикчилигингиз учун ишлаб чиқариш цехи қурдингиз. Сиз болаларнинг ҳақига, болалик ҳақига хиёнат қилдингиз. Балки сиз қурган ишлаб чиқариш цехи туфайли ўт-ўланлар, дарахтларга қуёш тегмай қолаётгандир. Сиз энди дарахтларнинг қуёшдан баҳра олиш ҳақига кўз олайтирддингиз. Сиз қурган завод туфайли бир неча хонадон сувсиз қолгандир. Сиз цехда ишлаб чиқарётган маҳсулотни инсоф билан сотаётгандирсиз, ишчиларга маошнинг вақтида ва рози қилиб бераётгандирсиз. Аммо сизнинг заводингиз деб бир неча хонадоннинг сувсиз қолиши, уларнинг сув ҳақига хиёнат қилаётганингизни билдирмайдими? Агар сиз ишлаб чиқарётган маҳсулот чиқиндиси сувга оқизилаётган бўлсачи, ариқдаги тозалик, шаффофлик ҳақига хиёнат қилаётган бўлмайсизми? Агар шу ариқдаги нотоза сув туфайли одамлар, ҳайвонлар касал бўлса-чи, катта-катта маблағ сарфласа-чи? Ўша пайтда уларнинг маблағларига касаллик эмас сиз чанг солаётган бўлишингиз мумкинлиги ҳақида ўйлаб кўрганмисиз?...

Бировнинг ҳақи нима? Оромни ўғирлаш, вақтни елга совуриш, меҳнатни қадрламаслик, соғлиққа путур етказиш – буларнинг барчаси бировнинг ҳақи.

Қўшнингиз ухлаяпти. Бирдан сиз мусикани бақиртириб қўйдингиз. Сиз балки ҳалол одамдирсиз, пул, маблағ, олди-берди масаласида ҳаромдан қўрқарсиз. Аммо сиз қўшнингизнинг тинчини бузиб унинг ҳаловат ҳақини ўғирладдингиз... Бировнинг ҳақидан кўрқмайсизми?

Барно СУЛТОНОВА



(Боши 1-саҳифада)



БОЛА ЎҒРИЛАРИ

Ёхуд ёлғон ахборотни тарқатишдан мақсад нима?

Бу видео хабарларни ҳали одамлар ҳазм қилиб оламан дегунча «Бола ўғрилари ушландими?» мазмунидаги учинчи видео хабар ижтимоий тармоқларда кенг тарқалди. Унда айтилишича, Тошкент вилоятининг Оҳангарон шаҳрида бир нечта аёллар бола ўғирламоқчи бўлишгани ва маҳалладаги аёллар тезда ички ишлар ходимларига хабар беришгани ҳақидаги хабар одамларнинг кўнглига ғулғила солиб қўйди. Хўш, тарқалаётган бундай хабарлар қанчалик асосли? Қанчалик ҳақиқатга яқин?

— Ижтимоий тармоқларда гўёки бола ўғрилари пайдо бўлгани ҳақида ёлғон хабарлар тарқалмоқда, — дейди Ички ишлар вазирлиги Ахборот хизмати раҳбари Шохрух Ғиёсов. — Бу хабарлар остида бир нечта аёлларнинг фотосурати ва шахсий маълумотлари жойлаштирилган бўлиб, турли муҳокамаларга сабаб бўлмоқда. Ҳурматли фуқаролар, бу каби асоссиз хабарларга ишонмаслигингни ва аҳоли орасида сунъий равишда шов-шув кўтармаслигингни сўраймиз. Унутманг, ёлғон ахборот тарқатиш, шунингдек шахснинг розилигисиз шахсий маълумотларини ошкор қилиш қонунчиликка мувофиқ жавобгарликка тортишга асос бўлади. Бу каби ёлғон хабарларни тарқатган шахсларни аниқлаш юзасидан Тошкент шаҳар ИИББ томонидан текширув ўтказилмоқда.

Саросимага тушган одамлар

— Фарзандларим бошқа бир тумандаги боғчага боришади. Бу хабарлар ижтимоий тармоқларда тарқалганида аввалига ёлғон шунчаки одамларни ваҳимага солиб ўз обуначиларини оширомоқчи деб эътибор бермадим. Сўнг бу хабарлар кўпайиб одамлар томонидан кенг муҳокамаларга сабаб бўлгандан сўнг тўғриси анча саросимага тушиб қолдим. Бир икки бор боғчага фарзандларимни ўзлари бориб келишди. Аммо улар келгунча уйда юрак ҳовучлаб ўтирдим. Улар ҳали ёш бўлса ким яхши гапирса ишониб кетаверади. Бордию худо кўрсатмасин видеодагидек шартта қўлидан ушлаб машинага солиб олиб кетса

нима бўлади? дея хаёлларим алла қарларга бориб келди. Ноилож ишга кеч борсам ҳам фарзандларимни хавфсизлиги учун ўзим уларни боғчага олиб бориб қайтадиган бўлдим, — дейди Зулхумор исмли аёл.

— Ахборот оқими ниҳоятда кўп замонда яшайпмиз. Унинг қанчалик салмоғи кўп, қанчалик салмоқли бўлмасин барини ўз назоратимизга олишга, ҳеч нимани четда қолдирмасликка ҳаракат қиламиз. Айниқса болаларимиз хавфсизлигига раҳна солувчи ҳар бир маълумот тинчимизни ўғирлайди ва у олдимизда турадиган энг муҳим масала каторига чиқади. Вақт ажратиш турли гаджетлар ёки иловаларга мурожаат қилиш, масъулиятни кимгадир бириктириш каби бошқотирма усулларидан фойдаланамиз. Шу қаторида мени ҳам шу қўрқув сўнгги кунларда бошқармоқда. Бу ҳадик асносида иш вақтимда ҳам руҳсат олиб ҳар куни ўғлимни мактабга олиб бориб уйга олиб келишимга тўғри келмоқда. Чунки ижтимоий тармоқлардаги бола ўғрилари ҳақидаги хабарларни эшитиб ишда хотиржам ўтираолмайман. Ҳар бир ота-она учун фарзандининг хавфсизлиги биринчи ўринда туради албатта, — дейди Маҳмудова Насиба.

Рақамлар қўрқинчли

Дунёда ҳар йили ўрта ҳисобда 8 миллион нафар бола йўқолар экан. Ахир бу йирик мегаполис ёки ўртгача бир давлат аҳолиси билан тенг дега-нику. Масалан, Европа Иттифоқида ҳар йили 250 000 нафар, яъни ҳар икки дақиқада биттадан бола йўқолар экан. Ҳар томонлама ривожланган, жиноятчиларга қарши энг сўнгги техникаларга эга бўлган АҚШда эса ҳар йили полицияга фарзандини йўқотган ота-оналардан 450 000 тадан 800 000 тагача мурожаат келиб тушар экан.

Албатта, статистика даҳшатли... Аммо бир жиҳатга эътибор бериш шарт — бу бола йўқолди деб мурожаат қилинган ҳолатлар. Болаларнинг аксарияти кўп ўтмай топилади. Уларнинг кўпчилиги кимдандир аразлаб қочиб кетган, бирор жойдалигини огоҳлантиришни унутган ёки шунчаки бекинмачоқ ўйнагиси келган бўлади. Лекин барибир бу

вазиятга жиддий қарамасликка асос бўла олмайди.

Масалан, АҚШда бола йўқолиши билан боғлиқ ҳар қандай мурожаат келиб тушиши билан «Amber Alert» тизими ишга туширилади. Бу тизим 1996 йилдан буён ишлайди. Айнан шу йили 9 ёшли Амбер исмли қизалоқ йўқолади ва фожиали ҳалок бўлади. Бу тизими ишга тушганидан кейин ўша ҳудуддаги ҳар бир оммавий ахборот воситаси, кўчадаги экранлар боланинг суратини қайта-қайта эълон қилаверади, кўнгилилар бола суратини кўтарганча гавжум жойларни айланишади, ҳар бир ковакка кириб чиқилади. Бу Тизимнинг самарали ишлаши туфайли АҚШда йўқолган болаларнинг 99 фоизи топилади. Бошқа давлатларда ҳам самарадорлик бу даражада бўлмаса-да, болаларнинг кўпчилиги топилиб, уйига қайтарилади.

Шу ўринда савол туғилади: Юртимизда ҳам шундай тизим ишлайдими? Ёки ёлғон ахборотлар реал воқеликка айлангандан сўнг қандайдир чоралар кўриладими? Нахотки бизга 12 ёшли Муслиманинг бедарак йўқолиши ва кейинчалик унинг жасади зўрлик аломатлари билан топилиши дарс бўлмади?

Бола ўғирланганлиги ҳақидаги хабарларни ўз ленталарга жойлаган ижтимоий тармоқ фаоллари нега тарқалаётган видео лавҳалар ёлғонлиги эканлиги, ҳақиқатдан умуман йироқлиги ҳақидаги хабарларни ленталарига жойламади? Нега фақат ёлғон ахборотларни бўрттириб одамлар орасида ваҳима уйғотиш пайида бўлишди? Эътиборли жиҳати ижтимоий тармоқларда бола ўғрилари ҳақидаги илк видео хабарлар тарқалиши биланоқ мутасаддилар томонидан ўрганилиб, бу бўйича расмий муносабат эълон қилинган эди. Қолаверса Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексининг 202-2-моддасида Жамоат тартибига ёки жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи ёлғон ахборотни тарқатиш, шу жумладан оммавий ахборот воситаларида, телекоммуникация тармоқларида ёки интернет тармоқларида тарқатиш — базавий ҳисоблаш миқдорининг 50–100 баравари миқдоридан ёки 22 млн 300 минг сўм миқдоридан жазо солишга сабаб

бўлиши ҳақида кўрсатиб ўтилган.

Шундай бўлишига қарамадан ижтимоий тармоқ фаоллари нега тинмай ёлғон ахборотларни ўз ленталарида тинмай айлантираверишди? Тўғри шу тарика улар ўз обуначиларини кўпайтириб олмақчи бўлган дерсиз. Аммо ўз обуначиларини кўпайтиришнинг бошқа йўллари ҳам мавжудку. Қолаверса, мутасаддилар томонидан тарқалаётган ахборотлар ёлғон эканлиги ҳақидаги хабарларни ўз ленталарига жойлашганда ҳам обуначилари кўпаяр эди. Чунки одамлар биринчи ва энг ишончли хабарлар қайси ижтимоий тармоқларда берилса ўша канални кўпроқ кузатади.

Мана ҳамон ушбу видео лавҳалар эълон қилинган тармоқларда юқоридаги ҳолатлар бўйича билдирилган расмий муносабатлар жойлангани йўқ. Уларнинг мақсади обуначиларининг сонини ошириш бўлса, унда одамлар орасида ёлғон ахборотлар тарқатиб, улар орасида шов-шувлар уйғотишнинг нима кераги бор?

Тўғри, мана шундай хабарлар орқали одамлар ўз фарзандларига эътиборлироқ бўляпти, юқоридагидек ҳолатлар юз бермаслиги учун фарзандлари хавфсизлигига сергакроқ қарашмоқда дерсиз. Аммо бу дегани одамлар орасида ёлғон ахборот тарқатиш керак дегани эмас-ку. Ахборотларни тарқатишнинг ўзига яраша қонун-қоида, тартиби бор. Шу ўринда одамлардан ҳар хил ёлғон ахборотларга ишониб қолмасликларини, ижтимоий тармоқларда тарқалган хабарларни текширишларини сўраган бўлардик.

Мансурбек ЖАББОРОВ,
ЎзЖОКУ талабаси



ИНСОНИАДА

(Боши 1-саҳифада)

“Навоий-30”да “баъзи андишаларга кўра айрим қаҳрамонларнинг исм-фамилияларини ўзгартириш лозим топилгани” сўзбошида тан олинган. Буни “Йилдирим” (“Гироза”)да кўришимиз мумкин. Бунда муаллиф “Ўзбекистон халқ ёзувчиси” унвонига эга бўлган Карим Жаъфарий исмли адибнинг бутун бошли романини қайта ишлаб бергани кизиқарли тарзда қаламга олинган. Карим Жаъфарий ким экан деб бош қотириб ўтиришга ҳожат йўқ. Чунки муаллиф усталлик билан Карим Жаъфарийнинг “сюжет”ни “сужуд”, “Гроза”ни “Гироза”, “глава”ни “гилова” деб талаффуз қилишини айтар экан, беихтиёр “Лолазор”даги “очерк”ни “очерка” деб атайдиган адиб ёдга тушади.

Миртемир, Машраб Бобоев, Сарвар Азимов, Саид Аҳмад, Пиримкул Қодиров, Асқад Мухтор, Озод Шарафиддинов, Абдулла Орипов, Ўткир Ҳошимов, Носир Фозилов, Неъмат Аминов, Тўлепберген Қаипбергенов каби адабиёт дарғалари ҳақидаги хотираларга кейинги мақолаларда алоҳида тўхталиб ўтиш керак бўлади. “Демократия” тантанаси”ни бефарқ ўқиб бўлмайди. Унда Ўзбекистон халқ шоири, Ўзбекистон Қаҳрамони Эркин Воҳидов шахси ва ўз вақтида улуғ шоирга қарши уюштирилган фитналар қаламга олинган. Эркин Воҳидовнинг Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти директори лавозимидан қандай олинганини ўқир экансиз, беихтиёр саводсиз, мансабпараст инсонларга нисбатан нафрат уйғонади.

“Тузилмаган қўшма корхона”да 90-йиллар бошларида америкалик тадбиркорнинг Ўзбекистондаги саргузаштлари ёритилган. “Яхшиликнинг мукофоти”ни ўқиб қулишни ҳам, йиғлашни ҳам билмайсиз.

Мақола бошида китобни ўқиш жараёнида унсиз йиғлаганимни ёзган эдим. Ҳақиқатан ҳам, “Қофиясида айбигнаси бор экан”да “ҳаётнинг кўп қийинчилик ва синовларини кўрган, эзилган”, аммо руҳан синмаган” крим-татар адабиёти борасида сўз юритилар экан, уларнинг она тилида ўша давр учун “бош оғриғи” бўлиши мумкин бўлган асарларини чиқармаслик мақсадида “қофияси тушмаган” деган баҳона билан рад этилгани тилга олинган. “1988 йили дўстларимиз кўзлари ёшга тўлиб, биз билан хайрлашиб ўз тарихий ватани – Қримга жўнаб кетишди... Биз уларни вокзалдан маҳзун ҳолда кузатиб қўйдик. Кадронлар билан хайрлашаётим:

– Энди қофиясида хато бўлмас, – дедим.

– Иншоолло, – деб дуо қилишди улар”.

Мана шу охириги сатрларни ўқир эканман, озодлик нақадар буюк неъмат эканлигини “қофиясида хато” туфайли кўплаб асарлари нашр қилинмаган халқдан ўрганишимиз кераклигини англаб етдим. Эркинликни гўзал сатрлар билан етказган Хайридин Султоновга алоҳида миннатдорчилик билдириб ўтдим.

“Саид Ислонбек изидан”ни ўқиган ҳам, ўқимаган ҳам ўқиши керак. Унда 1967 йил “Ўзбекфильм” киностудияси томонидан суратга олинган “26-си отилмасин” бадиий фильми ва бош қаҳрамони Саид Ислонбек ва унинг баҳонасида Кўккон хони Худоёрхоннинг тўртинчи набираси Саид Ислонбек Худоёрхон, фильмга асос бўлган роман ва унинг муаллифи ҳақида мулоҳазалар билдирилган.

Таниқли таржимон Ваҳоб Рўзиматов ҳақида бир эмас тўртта – “Ўчмаган чирок”, “Сабохоннинг юбилеи”, “Мени кимга тен-



хон ая, Ўлмас Умарбековнинг рафиқаси Зухра Умарбеква, Шароф Рашидовнинг рафиқаси Хурсандой Рашидова, Эркин Воҳидовнинг рафиқаси Гулчехра Воҳидова, Абдулла Ориповнинг рафиқаси Ҳанифа Мустафоева, Ўткир Ҳошимовнинг рафиқаси Ўлмасхон Ҳошимова, Муҳаммад Юсуфнинг рафиқаси Назира Саломовалар ҳақида илиқ фикрлар билдирилган.

Шавкат Раҳмон, Муҳаммад Юсуфлар ҳақида ҳам ажойиб хотиралар ёзилган. “Шавкат Раҳмон ҳақидаги аксарият ёдномаларда шоир негандир эртаю кеч маҳзун юрадиган, умумбашар қайғусида кўксини захга бериб ётадиган зоҳид кимса сифатида тасвирланиши”га эътироз билдирилган экан, “лекин мен билган Шавкат Раҳмон

дида шанба куни Ҳамза номидаги театрга таклиф қилади. Аммо талабалар бир бормайди, икки бормайди. Навбатдаги дарсада ўқитувчи: “Тошкентга нега келгансизлар ўзи? ТошДУда ўқияпман, деб аввалло ота-онангизни, кейин ўзингизни алдаб юргандан кўра, ҳалиям кеч эмас — қишлоғингизга қайтиб кетганингиз маъқул. Далангизда қўй боқиб, боғингизда олма қоқиб юрсангиз ҳам кунингиз ўтади. Лекин театрни, галереяни, консерваторияни, музейни кўрмасдан билмасдан туриб, одам қандай журналист бўлиши мумкин? Қандай зиёли бўлиши мумкин? Эртага бошқа миллат вакиллари билан қандай тенг бўлиб гаплашиши мумкин?” дейди. Муаллиф фикрини давом эттирар экан “Домланинг гаплари жон-жонимиздан ўтиб кетган экан, шанба куни ҳаммамиз ясан-тусан қилиб Ҳамза театрига бордик” дейди ва “спектаклга бошқа одамлар бўлиб қирган эдик — бутундай бошқа одамлар бўлиб чикдик”, дея ёзади муаллиф.

“...Баъзан туриб-туриб ўйлаб қоламан: чиндан ҳам, бу хотиннинг бошида тергайдиган эри, қайнонаси, этагига ёпишадиган бола-чақаси, рўзгор ташвиши йўқмиди?”

Бор эди албатта.

Лекин, назаримда, бу аёлнинг қалбида ўзбек зиёлиси, ўзбек миллати учун қайғуриш туйғуси бор эди. Ва бу туйғу қолган ҳамма нарсадан устун эди”, дея тугалланади хотира.

Умуман олганда, “Навоий-30” яхши бир асар. Унда биз билган ва билмаган инсонлар тақдири муаллиф нуқтаи назаридан ёритилиши билан аҳамиятли. Китобда номи тилга олинган инсонлар ҳаёти ва ижодини расмий нуқтаи назардан билардик, аммо уларнинг ички дунёсидан беҳабар эканимиз аниқ. Тўғри, улар ҳақида турли миш-мишлар бор. Келажак авлод улар ҳақида билиши учун ҳам “Навоий-30” каби китоблар керак бўлади. Муаллиф ёзганидек: “Баъзан маънос чоғларимда ортга қарайман. Изимиздан янги адабий авлод келаётганини кўриб, кўнглим таскин топади. Насиб этса, улар ҳам ўзининг бетакрор ижодий муҳитини – ўз “Навоий-30”ини яратар, деб умид қиламан”.

Шарафиддин ТўЛАГАНОВ

Аммо рецессия олдини олиш ва муаммоларнинг аксариятини ҳал қилиш мумкинлигини кўрсатувчи оптимистик сценарийлар ҳам йўқ эмас. Улардан бири Россиянинг Украинага қарши тажовузкорлигини тўхтатиш билан боғлиқ.

глаштираяпсиз?”, “Фожеа” каби хотиралар берилган.

Аҳмаджон Мелибоев яхши адиб, яхши ижодкор, яхши публицистика дарғаси. “Навоий-30”да “Ноинсоф дўхтир”, “Тушунтириш хати”, “Қурбон ҳайити” деб номланган хотираларда Аҳмаджон ака билан боғлиқ кизиқарли воқеалар тилга олинган.

“Вакили шундоқ бўлса, ўзи қандоқ экан?”да эса таниқли шоира, раҳматли Турсуной Содикованинг Олий Мажлисга номзоди кўрсатилган Хайридин Султоновга ишончли вакил бўлгани, 173-Эски Қовунчи сайлов округида сайловчилар билан бўлиб ўтган учрашувдаги нутқи эсланган.

“Адибларнинг аёллари”да Зулфия, Саида Зуннунова, Кибриё Қаххарова, Мақсуд Шайхзоданинг рафиқаси Сакинахоним, Шуҳрат домланинг рафиқаси Турсуной Алимова, Шукруллонинг рафиқаси Мунаввар Юсупова, Ҳамид Сулаймоннинг турмуш ўртоғи Фозила Сулаймонова, Ғафур Ғуломнинг рафиқаси Муҳаррамхон Ғуломова, Одил Ёкубовнинг рафиқаси Марям Ёкубова, Пиримкул Қодировнинг рафиқаси София-

фарғонача лутфу зарофатли, ҳаётни, самимий суҳбатларни севадиган, очиқ кўнгли, дилкаш инсон эди”, деб таъкидлайди. “Бормайсан армияга!” да эса Муҳаммад Юсуфнинг қандай қилиб армиядан олиб қолингани кизиқарли тасвирланган.

“Навоий-30”нинг яна бир жиҳатини айтиб ўтсам. Китобда Алишер Навоий кўчасидан ташқари, ўша ҳаммамиз севиб томоша қиладиган “Шум бола” фильмида тилга олинган “кўҳна Тошкентнинг ўқилмаган сирли китоби” бўлмиш Чувалачи маҳалласи ҳам ишонарли тасвирланган. “Чувалачи” деб номланган хотираларда нафақат маҳалла номи тарихи кенг очиб берилган, балки оқибат ёритилган. Муаллиф дўстлари билан ижарада турган уй эгаси Раҳима ая (асл исми Прасковья Авдотьевна Васильева) тақдирига бефарқ қарай олмайсиз.

Фидойи ўқитувчи – Антик адабиёт фанидан дарс берган Вилоят Файзиева ҳақидаги хотира “Бу хотиннинг эри йўқмиди?” деб номлаган. Жуда таъсирли. Гап шундаки, Вилоят Файзиева талабаларни дарсга қизиқтириш мақса-

Инсон ҳуқуқлари – ҳозирги замон шароитида ҳар қандай жамиятнинг, давлатнинг демократик ривожланганлик даражасини кўрсатувчи ишончли мезон сифатида майдонга чиқмоқда ва албатта, ҳар бир давлатнинг Конституция ва қонунларида мустаҳкамлаб қўйилган асосий ҳуқуқ ва эркинликлар мажмуидир.

Конституциямизнинг иккинчи бўлими бевосита инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига бағишланган бўлиб, ушбу бўлимнинг биринчи бобида инсон ҳуқуқ ва эркинликларига оид умумий қоидалар мустаҳкамлаб қўйилган.

Амалдаги Жиноят кодекси Махсус қисми бўлимлари «шахс – жамият – давлат» манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган Конституциявий принципга мувофиқ ҳолда жойлаштирилган. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13-моддасига мувофиқ, «Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади». Шундан келиб чиққан ҳолда, шахс манфаатларини, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини жинсий тажовузлардан ҳимоя қилиш Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Шу боис қонун чиқарувчининг шахсга қарши жиноятларни Жиноят кодекси Махсус қисмининг биринчи бўлимига жойлаштириши республикамизда жиноят қонунчилигини такомиллаштиришга йўналтирилган ислохотларга, яъни айнан шахснинг ҳаёти, соғлиғи, ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини олий қадрият сифатида ҳимоя қилиш ва шахс манфаатларини муҳофаза қилишнинг концептуал ғояларга асосланганлигининг далилидир.

Хусусан, Конституциямининг 20 – моддасида “Фуқаролар ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқлари ва эркинликларига путур етказмасликлари шарт” – деб белгиланган.

Маълумки шахс муайян жамиятда яшар экан, у ўша жамиятнинг қонун-қоидаларига бўйсунуши, жамиятнинг бошқа аъзолари ҳуқуқ ва эркинликларини тан олиши лозим. Шахснинг мутлоқ эркин бўлиши ҳаёлий орзу холос, эркинлик категорияси нисбий тушунчадир, бир шахснинг эркинлик доираси иккинчи шахснинг эркинлик доираси бошланган жойда тугайди.

Жамиятда белгиланган мазмунли ва адолатли қонун – қоидаларга риоя қилган шахс эркиндир, унга нисбатан на жамиятнинг, на давлатнинг ва на фуқаронинг даъвоси бор. Жамиятдаги мавжуд тартиботларни тан олмайдиган, яшаш қоидаларини бузадиган одам эркин эмас, зеро у қилмишлари учун жавоб бериши керак.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексида (VII боб) фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва

эркинликларига қарши жиноятлар ва уларни содир этганлик учун жинсий жазо чораларини мустаҳкамлаган. Масалан, 142-моддада фуқаро-



ларнинг турар жойи дахлсизлигини бузганлик учун, 143-моддада эса хат-ёзишмалар, телефонда сўзлашув, телеграф хабарлари ёки бошқа хабарларнинг сир сақланиши тартибини бузганлик учун, 144-моддада фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун, 145-моддада виждон эркинлигини бузганлик ва бошқа ҳаракатлар учун жинсий жавобгарлик ўрнатган.

Берилган имтиёзлар фуқароларни фарқлаш деб тушунилмаслиги учун, улар юқорида таъкидланганидек, ижтимоий адолат принцигига мос келиши керак. Ўзбекистон Республикаси Мехнат Кодексининг 6-моддаси 2-бандида таъкидланганидек “Мехнат соҳасида меҳнатнинг муайян турига хос бўлган талаблар ёки давлатнинг юқорироқ ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган шахслар (аёллар, вояга етмаганлар ногиронлар ва бошқалар) тўғрисида алоҳида ғамхўрлиги билан боғлиқ фарқлашлар камситиш деб ҳисобланмайди.

Ҳуқуқий давлатнинг асосий белгиларидан бири - давлат ва фуқаро ўртасидаги муносабатнинг ҳуқуқий шакли мавжудлиги, яъни давлат ва фуқаронинг ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятлар ҳамда ўзаро жавобгарликка асосланган муносабатининг мавжудлиги ҳисобланади.

Ҳозирги кунда, давлат ва фуқаро ўртасида ўзаро масъуллик тамойили барча демократик тараққиёт йўлидан кетаётган давлатлар Конституцияларида мустаҳкамланган. Конституция ва қонунлар давлат ва фуқаронинг ўзаро эркинлиги ва масъулияти доирасини белгилаб беради ва қаролатларини таъминлайди. Демократик тузум шароитида қонун нафақат фуқаролар, ҳокимият таъсири остидагилар учун мажбурий бўлмай, балки қонун чиқарувчи, ижро этувчи, суд ҳокимияти ва уларнинг мансабдор шахслари учун ҳам мажбурийдир. Ўтмишда мавжуд бўлган тузумларда (деспотия, тирания) фақат фуқароларда асосан

мажбурият бўлган бўлса, энди эса, ҳам давлатда, ҳам фуқароларда ўзаро мажбурият ҳамда ўзаро ҳуқуқлар мавжуддир ва улар орқали бу икки субъект ўзаро боғлиқдир.

Фуқаро демократик давлатда фақат мажбуриятлар зиммасига юклатилган субъект бўлмай, балки давлатнинг фуқаролар олдидаги мажбуриятларига мос келадиган ҳуқуқларга ҳам эга. Масалан, бе-

ниб қолмай, балки бу ҳуқуқ ва эркинликларни муҳофаза этиш механизми ҳам мустаҳкамланади. Бузилган ҳуқуқни тиклаш мақсадида фуқаролар судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Конституциямизнинг 44-моддасида “Ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг гайри-қонуний хатти-хара-

ҚОНУН, ҲУҚУҚ ВА ТАРТИБ

пул умумий таянч таълимини олиш ҳуқуқи давлатнинг аҳолига бепул умумий таълимини олишни таъминлаш мажбурияти билан боғлиқдир. Конституция ўзида инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини мустаҳкамлаш орқали, айни пайтда, давлат томонидан ушбу ҳуқуқларни таъминлаш мажбуриятини ҳам конституциявий мустаҳкамлайди.

Давлат ва фуқароларнинг ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ўзаро масъуллиги Конституция асосида қабул қилинадиган бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ўзининг батафсил, аниқлашган ифодасини топади.

Хусусан, ушбу соҳада олиб борилаётган ишларнинг самардорлигининг ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 7 февраль куни “Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқлари соҳасидаги миллий таълим дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори тасдиқланди. Зеро, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим ҳар бир фуқаронинг инсон ҳуқуқларига нисбатан ҳурматини рағбатлантириш ва унга ҳар томонлама риоя этилишини таъминлашда муҳим аҳамият касб этиб, зўравонлик ва низоларнинг олдини олишда ҳам муҳимдир.

Конституция асосида чиқарилган бундай қонун ҳужжатларида нафақат давлат ва фуқароларнинг ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланибгина қолмасдан, балки уларни амалга оширишнинг усул ва йўллари, воситалари ҳам мустаҳкамланади. Бунда, давлатнинг аниқ ваколатли органлари ҳамда мансабдор шахсларининг муайян соҳада (масалан, таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий ҳимоя ва хоказо) фуқароларнинг ҳуқуқ ёки эркинликларини, ҳамда мажбуриятларини амалга оширишдаги фаолияти йўналишлари, ташкилий шакллари мустаҳкамланади.

Ваҳоланки, Конституция ва қонунларда нафақат фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари мустаҳкамла-

катлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи қафолатланади”, деб мустаҳкамлаб қўйилган.

Маълумки, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини чеклайдиган мажбурият чоралари устидан суд назоратининг ишончли механизми мавжудлиги – инсон ҳуқуқларини таъминлашда жуда катта аҳамиятга эга. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19-моддасида фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиз бўлиб, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас, деб ёзиб қўйилган.

Бу борада “Хабеас корпус” институтининг жорий этилиши, яъни 2008 йилдан эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи прокурордан судга ўтказилиши принципаал қадам бўлди. Ушбу қарорнинг ўз вақтида ва пухта ўйлаб қабул қилингани бугунги кунда кўпгина амалий мисолларда ўз исботини топмоқда. Мазкур институтнинг амалиётга татбиқ этилиши инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари, унинг дахлсизлигини ҳимоя қилишда муҳим омил сифатида намоён бўлмоқда. Мажбурий чораларни қўллашга санкция беришнинг судларга ўтказилиши шахс дахлсизлиги ҳуқуқини таъминлашни кучайтиришга, суд ҳокимиятининг нуфузини кўтаришга хизмат қилади.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини мустаҳкамлаш билан бир қаторда, давлатнинг шу ҳуқуқ ва эркинликларни таъминлаш юзасидан масъулиятини ҳам мустаҳкамлайди. Айни пайтда, фуқаролар давлат худудида амал қиладиган Конституция ва қонунларга, белгиланган бошқарув тартибига риоя этишлари шарт.

Алишер АЧИЛОВ,
Жамоат хавфсизлик
университети Жиний-ҳуқуқий
фанлар кафедраси доценти.

ЮРТ ТИНЧЛИГИ — АСОСИЙ ОМИЛ

Инсоният яралибдики, унинг асосий мақсади ривожланиш, олдинга қараб шаҳдам қадамлар босиш, келажакни барпо этиш ва бу борада қўлдан келган имкониятлардан фойдаланиш, ўзи истиқомат қилиб келатган жойининг тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш орқали ўз оиласи ва яқинларининг ҳаётини фаровон қилишдир.

Дунёдаги жамики давлат борки, унинг асосий тамойили сифатида эл-юрт тинчлигини асрашга қаратилган ҳаракатларни кўришимиз мумкин. Хусусан, мамлакатимизда нафақат ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, балки ҳар бир фуқаронинг энг асосий бурчи ватан тинчлиги, сарҳадларининг мустаҳкамлигини таъминлаш, унга қаратилган ҳар қандай ички ва ташқи тажовузлардан ҳимоя қилиш, жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлашдан иборатдир.

Инсоният тарихининг барча даврларида ҳам халқнинг тинч ва осойишта ҳаёт кечиришини таъминлаш давлатнинг энг устувор ҳамда асосий вазифаси бўлиб келган. Чунки фақат тинчлик ва осойишталик ҳукм сурган мамлакатдагина тараққиёт ва ривожланиш бўлади, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланади, одамлар, айниқса, ёшлар келажакка ишонч билан қарайдилар. Бундай мамлакатта яшайдиган ҳар бир инсон ўз орзу-мақсадларига эришиш учун жамиятта давлат томонидан яратилаётган шарт-шароитлардан мақсадли ва самарали фойдаланишга ҳаракат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, Биз келажакда эл-юртимизнинг ишончи ва меҳрини қозонган, том маънодаги халқпарвар ички ишлар тизимини яратимиз керак. Шундан келиб чиққан ҳолда ҳар бир ички ишлар органи ходими ўз

вазифасига ситкидилдан ёндашиб, олдинга қўйилган юксак вазифаларини тўлиқ адо этиш керак. Айниқса, бу масалада ҳудудларда хизмат олиб бораётган профилактика инспекторларининг ўрни катта аҳамият касб этади.

Ҳозирги кунда Ички ишлар органларининг профилактика хизматлари томонидан кенг жамоатчилик ёрдамига таянган ҳолда маҳаллаларда аҳолининг тинчлигини таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш ва ҳар қандай турдаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга эришилмоқда. Ички ишлар органлари маҳалла ҳуқуқ тартибот масканларида хизмат олиб борувчи профилактика инспекторларининг фаолияти ривожланган давлатлар тажрибалари ва маҳалла институтларини инобатга олган ҳолда ташкил этилган бўлиб, бугунги кунда жамиятда, жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, жиноятларнинг барвақт олдини олиш каби бир қанча вазифаларни бажариб келмоқда, уларнинг фаолияти эса ҳар ойда маҳалла томонидан баҳоланиб келинмоқда. Бу каби ишларни самарали тартибда амалга оширилишини таъминлаш мақсадида қонунчилигимизда бир қанча норматив ҳужжатлар қабул қилинган ва бу амалиётга кенг татбиқ этиб келинмоқда.

Профилактика инспектори фаолияти самарадорлигини баҳолаш орқали, унинг олдинга қўйилган вазифаларни адо этиши-

да қонунийлик, инсонпарварлик, фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, очиклик ва шаффофлик принципларига амал қилиши, жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, шахс, жамият ва давлат манфаатларини, жисмоний ва юридик шахсларнинг мол-мулкларини ҳимоя қилиш каби юклатилган вазифаларни бажариши тўлиқ таъминланади.

Профилактика инспектори фаолияти самарадорлигини баҳолаш, ички норматив ҳужжатлар билан тартибга солинади. Унга кўра, белгиланган меъёр асосида фаолият олиб борган профилактика инспекторини рағбатлантириш чоралари кўрилади. Бу билан ўз вазифаларини тўлиқ адо этаётган ходим ҳам моддий томондан манфаатдор бўлади, ҳам жамият манфаатдор бўлади. Аксинча, белгиланган меъёр асосида ишламаган профилактика инспекторини моддий, интизомий ёки норматив ҳужжатларда белгиланган тартибда жазолаш чоралари кўрилади.

Ҳар қайси мамлакатнинг ички ҳаёт тартиби фаровон бўлишининг таъминланиши, ўша мамлакатда тинчлик ва осойишталик ҳукм суришининг муҳим омилидир. Шундай экан, энг аввало, жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш орқали биз юрт келажакнинг янада узоқ масофаларга етиб, эзгу мақсадларга эришишига ўз ҳиссамизни қўшган бўламиз.

Ш. ИСОМИДДИНОВ,
Ўзбекистон Республикаси
ИИВ Академияси 3 ўқув курси
315 гуруҳ курсанти

ТАШҚИ СИЁСАТНИНГ УСТУВОР МЕЗОНИ

2017 йилдан бошлаб, Ўзбекистонда кенг қўламли ўзгартиришлар бошланди. Ислохотлар Ўзбекистонни ташқи дунёга янада очикроқ қилиш мақсадида ташқи сиёсат ва ташқи иқтисодий фаолиятга, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги фаолиятини ҳам қамраб олди.

Ушбу ислохотларни амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги тизимини тубдан такомиллаштириш ҳамда ташқи сиёсат ва ташқи иқтисодий фаолиятнинг устувор йўналишларини амалга оширишда унинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича ташқи ишлар чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори қабул қилинди.

Олий Мажлиснинг, хусусан, Сенатнинг ташқи сиёсат, халқаро, ташқи-сиёсий ва ташқи-иқтисодий фаолият масалалари бўйича ваколатлари сезиларли даражада кенгайтирилди ва мустаҳкамланди.

Айни пайтда “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги қонун ва 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистонни ривожлантириш Стратегиясини амалга оширишга оид Давлат дастури қабул қилиниши, ташқи сиёсат ва ташқи иқтисодий фаолиятнинг ҳуқуқий асосларини, шунингдек, халқаро ҳамкорликнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш бораси-

да очик, прагматик ва фаол ташқи сиёсат юритиш вазифаси мақсад қилиб қўйилди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг 2022 йил 24 июндаги қарори билан “Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонуни лойиҳасини умум-халқ муҳокамасига қўйиш тўғрисидаги қарор қабул қилинди.

Конституциявий қонун лойиҳасида Конституциянинг 17 моддасига қуйидагиларни киритиш таклиф этилган;

“Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъектидир. Унинг ташқи сиёсати инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳурмат қилиш, давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик, чегараларнинг бузилмаслиги, давлатларнинг ҳудудий яхлитлиги, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик қоидаларига ҳамда халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган бошқа қоидалари ва нормаларига асосланади.

Ўзбекистон барча давлатлар билан дўстона ва тинчликсеварлик ташқи сиёсат

олиб боради”.

Ушбу ўзгартириш ва қўшимчалар халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган тамойилларини ўзида ифода этган. Янги Ўзбекистон барча давлатлар билан дўстона ва тинчликсевар ташқи сиёсат олиб бориши билан бир қаторда халқаро ҳуқуқ нормаларини ҳурмат қилиши ва унга амал қилишини ҳам кўрсатиб ўтган.

Конституциямизда Ўзбекистон амалга ошираётган ташқи сиёсатининг асосий принциплари қаторида “давлатларнинг ҳудудий яхлитлиги” принципини мустаҳкамлаш ҳамда “тинчликсевар ташқи сиёсат” тўғрисидаги алоҳида нормани акс эттириш, унинг халқаро сиёсий майдондаги ўз халқаро мажбуриятларини бажарувчи, ишончли шерик сифатида мавқеини мустаҳкамлаш учун зарурдир.

Мазкур принципнинг Конституцияга қўшилиши Ўзбекистоннинг дунёдаги барча бошқа давлатлар ҳудудий яхлитлигини тан олиши ва ҳурмат қилишини, яхши қўшничилик, ўзаро ишонч, дўстона алоқаларни ривожлантиришни, сарҳадларимиз осойишталигини, халқимиз хавфсизлигини, тинч-тотув ҳаёт кечириши ва ривожланишимизнинг барқарорлигини таъминлайди.

Зоирхўжа ЎЛМАСХЎЖАЕВ,
Республика Маънавият ва маърифат
маркази ҳузуридаги Ижтимоий-
маънавий тадқиқотлар институти
илмий ходими

ЖАМИЯТ
BONG.UZ

Муассислар:

Табиат ресурслари
вазирлиги.

Тадбиркорлар ва
ишбилармонлар
ҳаракати —
Ўзбекистон

Либерал-демократик
партияси.

Ўзбекистон
Нодавлат нотижорат
ташқилотлари миллий
ассоциацияси.

Ўзбекистон
Савдо-саноат
палатаси.

Бош муҳаррир
Максуд ЖОНИХОНОВ

Газета тахририятнинг
компьютер бўлимида
саҳифаланди.
“Шарқ” нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
босмаҳонасида чоп этилди.

Манзил:
Буюк Турон кўчаси 41.
Буюртма рақами Г-410
Адади: 1015.

Пайшанба куни чиқади.
Қоғоз бичими А-3,
ҳажми 3 босма табоқ.
Баҳоси келишилган нарҳда.
Газета Ўзбекистон
матбуот ва ахборот
агентлигида
2006 йил 0010-рақам билан
рўйхатга олинган.

ISSN 2010-7722

Газетанинг полиграфик
жихатдан сифатли чоп
этилишига “Шарқ” нашриёт-
матбаа акциядорлик
компанияси масъул.

100000, Тошкент шаҳри
Матбуотчилар кўчаси 32.
Маълумот учун телефонлар:
71-233-72-77,
71-233-91-55

Реклама ва эълонлар учун:
Электрон почта:
jamiyat@umail.uz
Газета индекси — 131
“ЖАМИЯТ”дан олинган
маълумотларда манба
сифатида газета номи
кўрсатилиши шарт.
Топширилган вақти:
20:00

1 2 3 4 5 6

ИСЛОҲОТЛАР ТАШАББУСКОРИ



Бугунги кунда барча оммавий ахборот воситаларида, жумладан телевидения, газета, журнал ва ижтимоий тармоқлар ҳамда одамларимизни бир-бирлари билан суҳбатларида “Янгиланаётган конституция”, “Янги Ўзбекистон – янги дунёқараш” каби иборалар қўлланилмоқда – бу учинчи ренессанс даврининг ёрқин ифодаси.

Одамларимиз ўз ҳақ-ҳуқуқларига бефарқ эмасликларини намоён қилишмоқда, янгиланаётган конституцияни қизқин ва фаол муҳокама қилишмоқда, миллат сифатида эртанги кунига юксак дахлдорлик кўрсатмоқда.

Шу ўринда халқимизни мазкур ҳуқуқий ҳужжат асосий қонунимиз ва бош қомусимиз янгиланаётган конституцияда “инсон кадрини”, “ижтимоий давлатни” кўришмоқда.

Халқимизни мазкур ҳуқуқий ҳужжатга бўлган қизқин дахлдорлиги одамни хурсанд қилади, бу ҳам миллатнинг маданий-маърифий ва тарбиявий иммун тизимининг бир сигналидир.

Қолаверса, длатимизнинг ижтимоий ислохотларида кўпбора тарқорланаётган “Жамият – ислохотлар ташаббускори”, “Халқ давлат органларига эмас, балки давлат органлари халққа хизмат қилиши керак”, “Ҳалоллик вакцинаси”, “Маънавият бўлмаган жойда ҳеч қачон адолат бўлмайди!”, “Инсон манфатлари ҳамма нарсадан улуғ”, “Халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли бўлади”, “Халқ биздан рози бўлса, ишимизда унум ва барака бўлади”, “Адолат – қонун устуворлигида”, “Инсонларнинг дарду ташвишларини ўйлаб яшаш – одабийликнинг энг олий мезонидир”, “Биз буюк тарих, буюк давлат, буюк маданият яратган халқимиз”, “Биз – ҳеч қачон меҳнатдан қочмайдиган, қийинчиликдан кўркмайдиган, адолатни қадрлайдиган, азму шижоатли, буюк халқимиз” каби тамойилларининг амалиётда ишлаётганлигидан дарак беради.

Шунингдек янгиланаётган конституцияни халқимиз томонидан ижобий кутиб олинганлиги, қизқин муҳокама қилинганлиги, уни тасдиқлаш ва амалиётга киритишга бўлган фаол дахлдорлигини Президентимиз таъбирлари билан айт-

ганда “Биз кенг кўламли демократик ўзгаришлар, жумладан, таълим ислохотлари орқали Ўзбекистонда янги Уйғониш даври, яъни Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишни ўзимизга асосий мақсад қилиб белгиладик” фикрлари билан ҳам изохлашимиз мумкин.

Бизга маълумки инсон, халқ, мил-



лат, жамият ва давлат тушунчалари доим бир-бирисиз қўлланилмайди ва бир-бирисиз ривожланмайдиган тушунчалардир. Айнан янгиланаётган конституциямиздаги барча моддалар манашу ривожланиш ва тарққиёт асоси бўлган шу тушунчаларга қурилган.

Янгиланаётган конституциямизда илм-маърифат билан боғлиқ моддалар, жумладан 50-модда. Ҳар ким таълим олиш ҳуқуқига эга. Давлат узлуксиз таълим тизими, унинг ҳар хил турлари ва шакллари, давлат ва нодавлат таълим ташкилотлари ривожланишини таъминлайди. Давлат мактабгача таълим ва тарбияни ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратади. Давлат бепул умумий ўрта таълим ва бошланғич профессионал таълим олишни кафолатлайди. Умумий ўрта таълим мажбурий-

дир. Мактабгача таълим ва тарбия, умумий ўрта таълим давлат назоратидадир. Таълим ташкилотларида алоҳида таълим эҳтиёжларига эга бўлган болалар учун инклюзив таълим ва тарбия таъминланади.

51-модда. Фуқаролар давлат таълим ташкилотларида танлов асосида давлат ҳисобидан олий маълумот олишга ҳақли. Олий таълим ташкилотлари қонунга мувофиқ академик эркинлик, ўзини ўзи бошқариш, тадқиқотлар ўтказиш ва ўқитиш эркинлиги ҳуқуқига эга.

52-модда. Ўзбекистон Республикасида ўқитувчининг меҳнати жамият ва давлатни ривожлантириш,

келажагимиз бунёдкорлари бўлган ёшларимизни илм-фан, маънавият-маърифатга тикилган сармоёси деб биламан ва бу ҳаракат буюк келажақ учун киритилган инвестициядир.

Айтиш жоизки, мазкур моддалардаги илм-маърифат билан боғлиқ моддаларга алоҳида эътиборнинг замирида чуқур маъно бор. Илм-маърифат – бу янги уйғониш даврининг пойдевори, унинг асосида эса шу юрт фуқароларининг миллий тафаккури, миллий ғояси, эртанги кунга, тараққиётга бўлган ишончи бўлиб, қайсики, жамиятдаги барқарорликни таъминлаб берувчи асосий устувор омиллардан биридир. Илм-фан ривожланар экан, нафақат иқтисодиёт, балки ижтимоий-маданий соҳанинг ҳам тараққиёти кафолатланади, мазкур кафолат эса ўзида янги ренессанс даврини ифода этишига ҳечам шубҳа йўқ.

Қолаверса, илм-маърифат ривожланмаган давлат ҳеч қачон тўлақонли давлат бўла олмаслиги бизга узоқ тарих ҳамда бугунги асримиздаги юксак тараққий этган илғор мамлакатлар тажрибасидан жуда яхши аён. Дарҳақиқат, донишманд халқимиз тилдан айтганда илм-маърифат икки дунё саодатидир. Илм маърифатсиз киши берилган неъматлар қийматини англаб етмайди. Илм-маърифат инсон учун нажот.

Шундай экан, мен шу миллат ва шу халқнинг фаол ва дахлдор фарзанди сифатида мазкур янгиланаётган конституцияда миллатимизнинг “Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари” ғоясининг миллий юксалиш сари илдамлаб бораётганлигини, унинг замирида қатъий ишонч ва чуқур ҳикмат муҳассамлашганлини англаган тарзда барчани мазкур қонун ҳужжатини тасдиқлашда фаол иштирок этишга чорлаб қоламан. Негаки, янгиланаётган конституциямиз ва унда акс этаётган моддалар миллатнинг ҳар жиҳатдан юксалиш ва тараққиёти асоси бўлиб хизмат қилади.

Ҳазрат ЖАББОРОВ,
Тошкент давлат
шарқшунослик университети
доценти

соғлом, баркамол авлодни шакллантириш ҳамда тарбиялаш, халқнинг маънавий ва маданий салоҳиятини сақлаш ҳамда бойитишнинг асоси сифатида эътироф этилади. Давлат ўқитувчиларнинг шаъни ва кадр-қимматини ҳимоя қилиш, уларнинг ижтимоий ва моддий фаровонлиги, касбий жиҳатдан ўсиши тўғрисида ғамхўрлик қилади.

53-модда. Ҳар кимга илмий, техникавий ва бадий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланади. Интеллектуал мулк қонун билан муҳофаза қилинади. Давлат жамиятнинг маданий, илмий ва техникавий ривожланиши ҳақида ғамхўрлик қилади.

Мазкур 50, 51, 52, 53 моддаларда илм-маърифатни каофлат билан мустаҳкамлаб қўйилган қонуний асослари миллатимиз, халқимиз ва